

## Қуръон олдидаги вазифаларимиз

Image not found or type unknown



19:00 / 21.04.2019 6307

### Қуръоннинг тиловатини муҳофаза қилиш

Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деб марҳамат қилган:

﴿تَسْبُورًا لِّنَجْحَةِ الرَّجُوتِ وَعَلَانِيَةً سِرًّا رَزَقْنَاهُمْ مِمَّا وَأَنْفَقُوا الصَّلَاةَ وَأَقَامُوا اللَّهَ كَتَبَ تِلْكَ الَّذِينَ إِنَّ

**“Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни баркамол адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар сира касод бўлмайдиган тижоратдан (ажру савоб бўлишидан) умидвордирлар”** (Фотир, 29).

Мўмин киши ҳар ойда Қуръонни камида бир марта хатм қилиб туриши керак. Қуръондан бир пора ўқиш учун қанча вақт кетади? Ярим соатдан сал кўпроқ. Ҳар куни ярим соат вақтимизни бир пора ўқишга ажрата

олмаймизми?! Сени яратган, қаддингни ростлаган, зоҳирий ва ботиний неъматларини устингдан ёғдириб турган, сенга офият берган, сенга молу дунё, бола чақа берган, сенга ақл-заковат берган Роббингнинг Каломи учун ҳар куни ярим соат ёки бир соат вақт ажрата олмайсанми?! Сенга шунча неъматларни берган Зотга бу борада бахиллик қиласан деб ўйламайман!

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: *“Қуръон тиловатини, Аллоҳнинг зикрини лозим тут! Чунки, у сенга ерда нур, осмонда захирадир”*. Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: *“Қуръонни ўқинглар. Албатта, у қиёмат кунир соҳибига шафоатчи бўлиб келади”*. Имом Муслим ривоят қилган.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир савоб бўлур. Ҳар бир савоб эса ўн мислига кўпайтирилур. Алиф лаам мийм бир ҳарф демайман. Лекин алиф бир ҳарф. Лаам бир ҳарф. Мийм бир ҳарф», дедилар».**

Имом Термизий ривоят қилган.

Қуръоннинг ҳаммасини ёки баъзисини ёдлашга уриниш.

Бу иш олийҳиммат ва азми чин бўлган кишиларнинг ўлжасидир. Аллоҳдан улар учун дўзахдан саломат бўлиш башорати бордир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: *“Агар Қуръон бир терида жамланса, Аллоҳ уни дўзахда куйдирмайди”*.

**Қуръонни тадаббур қилиш ва унинг маъноларини тушуниш**

Бу Қуръоннинг энг катта ҳақларидандир. Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деб марҳамат қилган:

﴿الْأَنْبِيَاءُ أُولُو الْأَرْحَامِ الَّذِينَ نَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ وَالَّذِينَ أُنزِلَتْ إِلَيْكَ الْكِتَابَ﴾

**“(Эй, Муҳаммад! Ушбу Қуръон) оятларини тафаккур қилишлари ва ақл эгалари эслатма олишлари учун Биз Сизга нозил қилган муборак Китобдир”** (Сод, 29).

## **Қуръонга амал қилиш ва унинг хулқи билан хулқланиш**

Бу эса банданинг дунё ва охиратда нажотга эришишининг асосидир. Қуръонни ўқишдан, ёдлашдан ва тадаббур қилишдан мақсад ҳам шудир. Аллоҳ таоло Қуръонда шундай деган:

﴿رُحْمُونَ لَكُمْ وَأَتَقُوا فَاتَّبِعُوهُ مُبَارَكٌ أَنْزَلْنَاهُ كِتَابٌ وَهَذَا﴾

**“Мана бу Биз нозил қилган муборак Китоб (Қуръон)дир, унга эргашингиз ва тақволи бўлингиз, токи раҳм қилингайсиз”** (Анъом, 155).

Бошқа бир оятда Аллоҳ таоло бундай деган:

﴿يَتَّقُونَ لَعَلَّهُمْ لِلنَّاسِ عَآئِنَةٍ- أَلَّا يَشْعَبُوا كَذَلِكَ﴾

**“Одамлар (ман этилган ишлардан) сақланишлари учун Аллоҳ ўз оятларини мана шундай аниқ баён қилади”** (Бақара, 187).

Бир ривоятда:

**«Қиёмат куни Қуръон ва унга амал қилган аҳллари келтирилганида, Бақара ва Оли Имрон суралари бош бўлиб келадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икковларига учта мисол келтирдилар. Уларни ҳануз унутганим йўқ. Икковлари қиёмат куни худди икки булут...», дейилган.**

## **Қуръонни бошқаларга ўргатиш**

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дедилар».**

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Азизлар! Аллоҳнинг Китобини маҳкам ушлаб, унга астойдил амал қилайлик! Ўзимизга Қуръондан ҳар кунлик вазифа қилиб олайлик! Иложи борича кунига камида бир порадан ўқиб бориб, ойда бир марта Қуръонни хатм қилишга уринайлик!

Аллоҳ таоло барчамизни Қуръонни ўқиб, ёдлаб, унга астойдил амал қилувчилардан қилсин! Қуръони каримни бизларга бу дунёда ҳидоятчи, охирада шафоатчи қилсин!

***“Ҳадис ва Ҳаёт” китобининг 30-жузи ва Доктор Шариф Фавзий Султоннинг***

***“Қуръонга амал қилиш - саодат йўлидир” номли мақоласидан***